
ФАРҒОНАЛИК 25 НАФАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ЎЗ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ БОШЛАШАДИ

Фарғонада вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази ҳамкорлигида, Франциянинг Техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг (ACTED) Ўзбекистондаги филиали кўмагида “Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва имкониятларини кенгайтириш учун фуқаролик жамиятини кучайтириш” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарига киритилган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам бериш, уларга кичик бизнесларини ташкил қилишга кўмаклашишдан иборат.

Бугун Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда лойиҳа доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар иштирокида давра суҳбати ва кичик грант соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Тўлқиной Тожиева, “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази раҳбари Хуршида Ибрагимова, депутатлар, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда малакали ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Тўлқиной Тожиева кириб келаётган Янги йил байрами билан йиғилганларни қутлаб, аёллар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигига кенг йўл очиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар юзасидан сўз юритди. 25 нафар хотин-қизга 45 минг АҚШ доллари миқдорида молиявий кўмак кўрсатилиб, бу оилалар қўшимча даромад манбасига эга бўлишаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг тикувчилик цеҳи, гўзаллик салони ва кафелар, компьютер хизмати ташкил этиш каби турли йўналишларда грант ёлиби бўлганлар тақдирландилар. Уларга замонавий дастгоҳ ва ускуналар топширилди.

“Кафе бизнесини юритиш учун 25 миллион сўмлик грант соҳибаси бўлдим. Бизга 1 ой давомида мутахассислар тадбиркорлик сирларини ўргатишди. Жуда хурсандмиз. Мен ўзим 4 та янги иш ўрни яратдим”,- дейди Ёзёвон туманининг Қорасой МФЙ да яшовчи Манзура Толипова.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),

2021-12-29 08:14:09